

АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДА КЕЛИШУВ ТУЗИЛГАН ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА ЖАЗО ТАЙИНЛАШНИНГ ЎРНИ

Ситора Бахромжон қизи АХМЕДОВА

таянч докторант

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш амалиётдаги айрим муаммолар бўйича фикр-мулоҳазалар юритилиб, таклиф ва тавсиялар ёритилган. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли таъминлаш, айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш институтининг бошқа институтлар билан ўзаро алоқадорлиги ва фарқли жихатларига аниқлик киритилиб, амалиётдаги айрим муаммолар бўйича фикр-мулоҳазалар юритилган ҳамда таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: айб, иқдорлик, келишув, жазо, ҳуқуқ, эркинлик.

РОЛЬ НАЗНАЧЕНИЯ НАКАЗАНИЯ ПО ПРЕСТУПЛЕНИЯМ, ПО КОТОРЫМ ЗАКЛЮЧЕНО СОГЛАШЕНИЕ О ПРИЗНАНИИ ВИНЫ

Ситора Бахромжон кизи АХМЕДОВА

докторант базовой докторантуры

Академии МВД Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье рассматриваются некоторые практические проблемы назначения наказания по преступлениям при заключении соглашения о признании вины, а также освещаются соответствующие предложения и рекомендации. Внесены уточнения во взаимосвязь и отличительные аспекты института назначения наказания по преступлениям при заключении соглашения о признании вины с другими институтами в целях надёжного обеспечения прав и свобод граждан, рассмотрены некоторые практические проблемы и разработаны предложения по их решению.

Ключевые слова: вина, признание, соглашение, наказание, право, свобода.

Республикамиз жазо тайинлаш тизимида сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар инсонпарварлик, адолат ва қонунийлик принципларини мустаҳкамлашга қаратилган. Бу ислохотлар жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш, жазо тайинлашда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва суд жараёнларининг очиқлигини таъминлашни кўзда тутди.

Бугунги кунда ҳам жазолар тизими ва уларни тайинлаш механизмларини қайтадан кўриб чиқиш, жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларни ахлоқан тарбиялаш, шунингдек, содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган жазо турлари ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини жорий этиш [1] долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мазкур тадқиқот ишимиз доирасида қонунчиликка киритилган айбга иқрорлик келишуви тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлашнинг жазо тайинлаш тизимида тутган ўрнини аниқлаш муҳим масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 4-бўлими “Жазо ва уни тайинлаш” деб номланиб, ушбу бобда, жазо турлари, жазо тайинлаш ва унинг асослари, инобатга олиниши лозим бўлган ҳолатлар ҳақида кўрсатиб ўтилган.

Аввало, жазо ҳақида сўз юритар эканмиз, жазо бу – жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки чеклашдан иборат бўлган мажбурлов чорасидир [5].

Жазо нафақат жиноий жавобгарликни таъминлаш, балки шахсни ахлоқан тузатиш ва унинг келгусидаги жиноятларини олдини олишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айрим олимлар, масалан, Н.А.Беляев жазони қўллашдан мақсад жиноят содир қилган шахсни жазолаш эканлигини айтган. Бироқ бу ҳозирги кун талабига кўра, умуман нотўғри қараш бўлиб, М.Усманиев ҳам жазони жазолаш учун эмас, балки маҳкумни ахлоқан тузатиш, жиноятчининг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш эканлигини билдириб ўтган [11]. М.Х.Рустамбоев эса жазо маҳкумларни ахлоқан тузаш билан бирга уларни қайта тарбиялаш мақсадида қўлланилишини таъкидлаган [6]. Жазо судланувчига нисбатан фақатгина суднинг ҳукми билангина қўлланилади. Судлар томонидан жазо тайинлашда ҳар бир судланувчининг шахсий, ижтимоий ҳолати, содир этилган

жиноятининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тайинланади. Қонунчилигимиз мазкур ҳолда нормада мустаҳкамлаган бўлиб, ЖКнинг 54-моддасида жазо тайинлашнинг умумий асослари ҳақида қуйидагича норма мавжуд: “жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахс жазога тортилади.” Суд ушбу Кодекс Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмнинг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди.

Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

Айрим ривожланган замонавий давлатларнинг жиноят қонунларида жазо тайинлашнинг умумий асослари (масалан, Англия, ГФР ва бошқа давлатларда) белгиланмаганлиги ва Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунининг ўзида бундай асосларнинг белгиланганлиги жиноят қонунининг инсонпарварлик, демократик принципларини намуна бўла оладиган даражада эканлигини кўрсатади.

Илмий манбаларда жазо белгилашнинг умумий асослари ва жазо тайинлаш принциплари бир-бирига яқин маънога эга тушунчалар сифатида қаралади, зеро жазо тайинлаш асослари кўп жиҳатдан ушбу принципларнинг вазифаларини ўтайди [10]. Бу билан муаллифлар жазо белгилашнинг умумий асосларини судлар томонидан ҳар бир айбланувчига адолатли ва муносиб жазо тайинлаш учун асосий йўл-йўриқ сифатида қўлланиладиган, жиноят ҳуқуқи нормаларида мустаҳкамланган фундаментал ғоялар деб баҳолайдилар ва уларнинг ўзаро боғлиқлигига эътибор қаратадилар.

Ушбу масала доирасида жазо белгилашнинг умумий асосларига оид А.С.Якубов ва бошқа муаллифлар томонидан илгари сурилган қарашларни келтириш фойдали бўлади. Уларнинг фикрича, “жазо тайинлашнинг умумий асослари жиноят қонунчилиги нормаларидан келиб чиқади ва Жиноят

кодекси принципларига таянадиган ҳукукий йўриқномалар тизимини ташкил этади, бу тизим асосида суд жиноят содир этганликда айбдор деб топилган шахсга қўлланадиган жазонинг тури ва ўлчовини аниқлайди” [15]. Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, А.С.Якубов ва бошқаларнинг ушбу масалага оид қарашлари амалиётга кўпроқ мос келади. Чунки судлар жиноят содир этган шахсларга жазо тайинлашда айнан шу умумий асосларга суянади.

Қўшимча маълумот сифатида айтиш мумкинки, Жиноят кодексининг 54-моддасида жазо белгилашнинг умумий асослари аниқ кўрсатилган бўлиб, унга мувофиқ, қонунда белгиланган тартибда жиноят содир этганликда айбли деб топилган шахс жазога тортилади. Жиноят кодексига кўра, суд жазони Умумий қисм қоидаларига риоя қилган ҳолда, Махсус қисмда жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи моддада кўрсатилган чегаралар доирасида тайинлайди.

Судлар томонидан жазо белгилашда ушбу умумий асосларга амал қилиниши жиноят содир этган шахсга қонуний ва адолатли жазо тайинланишини таъминлайди. Шу билан бирга, муаллифлар қонун ҳужжатларига таяниб, жазо белгилашнинг умумий асослари тизимидаги турли элементларни алоҳида-алоҳида кўрсатиб ўтадилар.

Юридик илмда жазо тайинлашнинг умумий асослари тизимига тадқиқотчилар бир қатор ҳолатларни киритадилар. Масалан, Ф.М.Мингалимова жиноят қонунчилигида мавжуд бўлган умумий асослар рўйхатига қуйидагиларни қўшган: а) жазонинг адолатли бўлиши; б) жазонинг Жиноят кодекси Умумий қисми қоидаларига мувофиқ тайинланиши; в) Махсус қисм нормаларига риоя қилинган ҳолда белгиланиши; г) қонунда кўзда тутилган жазо мақсадларига эришиш имкони бўлмаган тақдирдагина оғирроқ жазо тури қўлланиши; д) суд томонидан жиноятнинг хусусияти ва жамият учун хавфлилик даражасини ҳисобга олиниши; е) жиноят содир этган шахснинг шахсияти; ж) тайинланган жазонинг маҳкумнинг ахлоқий тузалишига ва оилавий аҳволига таъсири каби жиҳатлар [4].

Биз, шунингдек таниқли олим, М.Рустамбоевнинг “Жазонинг ижтимоий-сиёсий моҳияти давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатига, мазкур сиёсат эса, жамиятдаги ҳуқуқий мафкура, сиёсий, иқтисодий, маданий, ахлоқий ва бошқа нуфузли қарашларга ва тасаввурларга боғлиқдир” [6] - деган фикрига тўла қўшиламыз.

Асоссиз равишда оғир жазони тайинлаш эса, субъектда адолатсизликдан норозилик, адолат ва қонунга ишончсизлик ҳиссини вужудга келтиради. Бундай ҳолат ҳам жазонинг мақсадига эришишига тўсик бўлиб қолади [12], деган фикр ҳам мақсадга мувофиқдир.

С.В.Бородин жазо тайинлашнинг умумий асосларини суд томонидан ҳар бир судланувчининг аниқ бир жинояти бўйича жазо тайинлашда қўлланилиши керак бўлган мезонлардан иборат эканини таъкидлайди [13].

А.В.Кладков эса жазо тайинлашнинг умумий асослари деганда суд томонидан ҳар бир жиноят учун, жиноятнинг якка шахс ёки иштирокчиликда содир этилишидан қатъи назар, жазонинг ҳар қандай турини тайинлашда бажарилиши шарт бўлган асосий талаблар тушунилишини билдиради [14]. С.Бородин ва А.Кладковларнинг фикрларини қисман тўғри десак, бўлади, Сабаби, жазо тайинлашнинг умумий асослари умумкатегория сифатида ҳар бир жиноят турини ва жиноят содир этган шахсни инобатга олган ҳолда муқобил тарзда қўлланилади. Уларга нисбатан кенгроқ ҳамда аниқ тушунча З.М.Салихов томонидан берилган бўлиб, у умумий асослар универсал аҳамиятга эга бўлган асосий қонунчилик кўрсатмалари сифатида намоён бўлишини ва айни пайтда ўзига хос техник қоидалар вазифасини бажаришини, яъни, улар жазо тайинлашнинг ҳар бир аниқ ҳолати учун умумий меъёрий қоидаларни қўллаш «техникаси»ни белгилаши, умумий асослар жазо тайинлаш ва уни индивидуаллаштириш асосларини ўз-ўзидан белгиламаслиги, балки судга бу жараёнда қандай ҳолатларни ҳисобга олиш лозимлигини кўрсатишини исботлаб беради [9]. Г.К.Буранов ва Л.Р.Валеванинг таъкидлашича, «жазо тайинлашнинг умумий асослари унинг махсус қоидаларига нисбатан бирламчи ҳисобланади. Биринчисининг

ўзгариши муқаррар равишда иккинчисининг бутун тузилишини қайта қуришга олиб келади. Агар муайян қоида жазо тайинлашнинг умумий асосларига зид бўлса, у бекор қилиниши лозим» [2]. Хулоса қилиб, юқоридаги фикрларни умумлаштирадиган бўлсак, жазо тайинлашнинг махсус қоидалари умумий қоидаларга зид бўлмаслиги, аксинча, уларни аниқлаштириши керак, умумий қоидаларни четлаб ўтмаслиги лозим. Жазо белгилашнинг умумий асослари ҳар бир жиноят иши бўйича суд томонидан қўлланиладиган, қонунда мустаҳкамланган мезонлар сифатида хизмат қилади. Бу асослар судга жиноят содир этганликда айбдор деб топилган шахсга муносиб жазо тури ва ўлчовини белгилаш имконини беради. Жазо тайинлаш принциплари эса умумий асосларга нисбатан кенгроқ тушунча сифатида қўрилади, чунки улар суд фаолиятининг барча жабҳаларига тааллуқлидир. Жазо белгилашнинг умумий асослари эса фақат муайян жиноят иши доирасида айбдор деб топилган шахсга жазо тайинлашда эътиборга олинади.

Юридик адабиётларда жазо тизими, турлари ва жазо тайинлашнинг умумий қоидалари кенг ва батафсил ёритилган бўлса-да, аммо, айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш масалалари етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Жазо тайинлаш тўғрисида назарий ва амалий масалалар маълум даражада анча батафсил ўрганилган. Бунга кўплаб дарсликлар, қонунга берилган шарҳлар, монографиялар ва бошқа Жиноят қонуни Махсус қисмининг нормаларини таҳлил қилишга бағишланган асарларни келтириш мумкин. Шу билан бирга, мамлакатимизда жазо тайинлаш институти муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Аммо, шу билан бирга, ушбу тадқиқотларда айбга иқрорлик келишуви тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш муаммолари комплекс (жамланган) ҳолатда ўрганилмаган.

Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони

енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади. Мазкур норма Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида ҳам белгилаб қўйилган. Баъзи бир муаллифлар жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатларнинг ҳар бирига жазо тайинлаш умумий асосларининг мустақил элементи сифатида қарайдилар.

Жазо тайинлаш институтининг ҳар бир нормасини қўллаш жараёнида жазо тайинлашнинг умумий асосларига, унинг оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларига эътибор бериш зарурлиги қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. Бундан келиб чиқадики, айбга иқдорлик келишуви тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлашда ҳам айбни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиш керак.

Айбга иқдорлик келишуви тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш тизимини таҳлил қилишда унинг жазо тайинлаш тизимидаги ўрнига баҳо бериш зарур. Шу боис, жазо тайинлаш тизимида айбга иқдорлик келишуви тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлашнинг тутган ўрнини ўрганишга навбатма-навбат тўхталиб ўтсак.

Қонунчилигимизда жазо тайинлашнинг турлари ҳам кўрсатилган бўлиб, ҳар бир институт ўзининг алоҳида хусусиятларига эга ва уларни бири-биридан ажратиб турувчи ҳамда умумий хусусиятлари мавжуд.

Енгилроқ жазо тайинлаш деганда, шахс томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини камайтирувчи жиддий ҳолатлар судлар томонидан инобатга олинган ҳолда, Кодекс Махсус қисми моддаларида назарда тутилган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазони тайинлаши мумкин. Енгилроқ жазо судлар томонидан ишнинг, жиноят содир этган шахснинг ҳолатларига қараб тайинланади. Унга кўра, енгилроқ жазо тайинлаш жазонинг муддати ва миқдорига ёки белгиланган жазонинг турига кўра фарқланади. Ҳар икки ҳолатда ҳам судлар енгилроқ жазо тайинлаш учун асос сифатида

жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини жиддий камайтирувчи омилларни инобатга олади. Бироқ, қонунчилигимиз, ушбу ҳолатларни аниқ белгиламайди. Иш ҳолатларидан келиб чиқиб, мазкур ҳуқуқни судга ҳавола қилади. Мазкур ҳолатларни ЖКнинг 55-моддасида кўрсатилган енгиллаштирувчи ҳолатлар тоифасига кирита олмаймиз. Сабаби, енгиллаштирувчи ҳолатлар доираси аниқ белгилаб берилган ва санкцияда кўрсатилган жазонинг камроқ қисмига яқин жазо тайинлашга асос бўлса, енгилроқ жазо тайинлашда бу жазо турига нисбатан ҳам амал қилади. Одатда, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар жазони индивидуаллаштирадиган, қонунда назарда тутилган ёки суд томонидан енгиллаштирувчи ҳолат сифатида топилган, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасининг камайганлигини ва (ёки) жазо тайинлашда жиноят содир этган шахснинг ижтимоий жиҳатдан акс эттирувчи ҳолатлар сифатида белгиланади.

Ушбу институтни айбга иқрорлиқ келишуви тузилган жиноятлар бўйича таққослар эканмиз, бир қанча умумий ва фарқли жиҳатларини кўришимиз мумкин. Умумий ҳолатда, ҳар иккала институт ҳам инсонпарварлиқ жиҳатидан жазонинг муддати, миқдори ва жазо турини камайтиришни назарда тутди. Бироқ, енгилроқ жазо тайинлаш барча жиноят турлари учун ҳос бўлиб, алоҳида ҳолатларни инобатга олинган ҳолда тайинланса, айбга иқрорлиқ келишуви тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлашда фақатгина ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир жиноятлар учун қўлланилади ҳамда унинг асос ва шартлари ЖПКда аниқ белгилаб берилган. Енгилроқ жазо тайинлашда алоҳида ҳолатлар деб топиш масаласи судлар ваколатига киритилган бўлиб, ҳозирги кунда касаллик ҳолати, қарамоғида вояга етмаган болалари, қари, ногирон ота-онасининг бўлиши, Уруш қатнашчиси эканлиги, Давлат мукофотида сазовор бўлганлиги каби ҳолатлар алоҳида сифатида қўлланилиб келинмоқда. Фикримизча, ҳар иккала институтнинг асосий фарқловчи жиҳати шунда. Айбга иқрорлиқ келишуви тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш учун

асос қонуний келишув тузилганлиги факти бўлса, енгилроқ жазо тайинлашда эса суд ўз ваколати доирасида енгиллаштирувчи ва жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини камайтирувчи ҳолатларга аниқлик киритиб, лозим топса енгилроқ жазо тайинлайди.

Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлаш ЖКнинг 57¹-моддасида “Ушбу Кодекс 55-моддаси биринчи қисмининг «а» ва «б» бандларида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ва ушбу Кодекс 56-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирда жазо муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмаслиги керак. Мазкур қоида жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларга татбиқ этилмайди.”тарзида баён этилган. Модда диспозициясидан кўриниб турибдики, айбга ўз қилмишига амалда пушаймон бўлиш билан айбга иқрорлик келишуви бир-биридан фарқ қилади. Бироқ, уларнинг умумий ўхшашлиги мавжуд. Яъни, айбга ўз қилмишига амалда пушаймон бўлиш институти айбга иқрорлик келишувининг илк кўриниши десак, муболаға бўлмайди.

Илмий адабиётларда айбга иқрорлик келишуви тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш билан айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлашни таққослаш ҳақида фикрлар билдириб ўтилган.

И.Э.Звечаровский ўз қарашларида айбга иқрорлик келишуви асосида жазо тайинлаш институтининг ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятига эътибор қаратган. Унинг фикрича, бу институт айбдор шахснинг ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиши, жиноятни ошкор қилишга ёрдам бериши ёки терговга кўмаклашиши каби ижобий қадамлар билан боғлиқ. Бу жиноятни охирига етказишдан ўз ихтиёри билан воз кечиш ёки амалдаги пушаймонлик

каби институтларга муайян жиҳатдан ўхшашдир. Ушбу механизмларнинг умумий хусусияти шундаки, аввал айбдордан фойдали ҳаракат кутилса, кейин унга мувофиқ ижтимоий ва ҳуқуқий натижа юзага келади, гарчи бу натижаларнинг миқдори ва хусусияти тўлиқ бир-бирига мос келмаса ҳам.

Бироқ, Звечаровский ушбу институтлар орасидаги фарқни ҳам кўрсатади. Масалан, ихтиёрий воз кечиш ёки пушаймонлик жиноят содир этилгандан сўнг дарҳол, яъни жиноят тугалланган ёки тугалланмаган бўлишидан қатъи назар дарҳол ўз кучини кўрсатиши мумкин. Айбга иқрорлик келишуви эса фақат шахс гумонланувчи ёки айбланувчи сифатида расман эътироф этилгандан ва у билан махсус келишув имзолангандан сўнг ишга тушади.” Юқорида келтирилган фикрлар ўйлашимизча, ушбу мавзудаги таҳлилнинг муҳим нуқтасидир.

И.Э.Звечаровскийнинг айбга иқрорлик келишувининг ўз айбига амалда пушаймон бўлиш институти билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларга Н.Н.Кирилова ҳам қўшилган ҳолда қуйидаги фикрлар билан тўлдиради: «Айбдорнинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлиши ҳам жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун, ҳам жазони камайтириш учун асос бўлади. Бу институт дастлабки тергов босқичида ҳам, судда ҳам амалга оширилиши мумкин. Айбга иқрорлик келишувчи шартларининг бажарилиши фақат жиноят процессининг суд босқичида ижобий жиноий-ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради» [3].

Дарҳақиқат, И.Э.Звечаровскийнинг айбга иқрорлик келишувининг айбига амалда пушаймон бўлиш билан ўхшашлиги ҳақидаги фикрига қўшилмаслик мумкин эмас.

Ҳуқуқшунос олимларимиз томонидан ҳам бу хусусда бир қанча фикрлар келтириб ўтилган бўлиб, хусусан, Қ.Й.Рўзимова бу иккала институтнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳамда назарий жиҳатларига эътибор берар экан, айбга амалда пушаймон бўлишнинг судлар томонидан кам қўлланилаётганига, ҳатто иш ҳолатларига кўра, ушбу моддани қўллаш асоси бўлса ҳам судлар томонидан 57-моддаси қўлланилиб жазо тайинлаш

ҳолатлари кўп эканлигига тўхталиб ўтган [16]. Бироқ, М.Х.Рустамбоев ушбу институтнинг аҳамиятли эканлигини, яъни шахс бир нечта жиноятни содир этишда айбдор деб топилган ҳолатларда ҳам қўлланилиши мумкинлигини таъкидлаб ўтган [7:8]. Шу ўринда, айбга иқрорлик келишуви тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш институтининг жорий этилиши билан айбга амалда пушаймон бўлганда, жазо тайинлашнинг аҳамияти йўқолмадими, деган савол пайдо бўлиши табиий. Қ.Розимова айбга амалда пушаймон бўлганда жазо тайинлаш амалиётида деярли қўлланилмаганлигини, унинг ўрнига 57-модда қўлланиб келаётганлигини, ушбу модда айбга иқрорлик келишуви тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш институти жорий қилиниши билан аҳамиятини йўқотаётганлигини билдириб, моддани ЖКдан чиқариш таклифини берган. Лекин И.Муслимов Қ.Розимованинг фикрига қўшилмаган ҳолда айбга иқрорлик келишуви жорий қилинса-да, унинг мазмуни бўлган “пушаймонлик” тушунчаси ҳеч қачон ўзининг ахлоқий-тарбиявий аҳамиятини йўқотмаслигини таъкидлаб ўтган бўлса, худди шу фикрга ҳамоҳанг равишда К.Турсунмуродов 57¹-моддани ҳолатни эркин баҳолаш механизми сифатида таъриф беради. Фикримизча, 57¹-моддани қўллашда судлар айбдорнинг шахсий ва ижтимоий хусусиятларини иш ҳолатларидан келиб чиқиб баҳолай олади. 57²-моддада эса бу ҳолат чекланган бўлиб, суд келишувни рад этади ёки тасдиқлаб жазо тайинлайди. Шунингдек, 57¹-модда ички руҳий ҳолат, чуқур пушаймонлик мезонига асосланса, айбга иқрорлик келишуви тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлашда асосий мезон қонуний келишув тузилганлиги факти ҳисобланади. Халқаро тажрибада Польша, Литва давлатларида ушбу институтлар биргаликда қўлланишни истисно қилмайди. Улар бир-бирларини тўлдириб туриши ҳақида фикрлар илгари сурилганлигини кўришимиз мумкин. Шу сабабли ҳам айбга иқрорлик келишуви тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш институтининг жорий қилиниши айбга амалда пушаймон бўлганда жазо тайинлашнинг аҳамиятини йўқотмайди деган хулосага келишимиз мумкин. Зеро, ҳар иккала институтнинг алоҳида

кўлланилиши суднинг индивидуализация ҳуқуқини кучайтиради ва инсонпарвар жазо сиёсати учун жуда муҳимдир.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар қуйидагича хулоса чиқаришга олиб келади. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлаш билан айбга иқрорлик келишуви бўйича жазо тайинлашнинг ўхшашлиги ва фарқли томонларини ўрганиб чиқиб, умумий жиҳатлари сифатида биринчидан, ҳар иккала институтда ҳам айбни тан олишга муҳим элемент сифатида қаралади, яъни ҳар икки ҳолатда ҳам шахс ўз қилмиши учун жавобгарликни тан олади; иккинчидан, жазони енгиллаштириш, яъни, ҳар икки ҳолатда ҳам суд айбланувчининг ҳаракатларини инобатга олиб, жазони енгиллаштириши мумкин; учинчидан, ҳуқуқий оқибати ҳар иккаласида ҳам айбланувчи манфаатига хизмат қилади. Асосий фарқлари эса, мазмунига кўра, айбига амалда пушаймон бўлишда шахс ўз қилмишига ҳақиқатда пушаймон бўлиб, ўзининг жиноий қилмишининг оқибатларини англаб етади, айбга иқрорлик келишувида эса, шахс айбини тан олади, лекин бунга шахсий пушаймонликдан кўра кўпроқ ҳуқуқий келишув сифатида қаралади. Биринчиси, суд томонидан жазо тайинлаш жараёнида ҳаракатга келади, иккинчиси эса, дастлабки тергов вақтида вужудга келади ва расмий ҳужжат тузилишини талаб қилиш ҳақида хулосага келинади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 май ПҚ-3723-сон Қарори [Электрон манба]. URL:<https://www.lex.uz/docs/3735818> (мурожаат вақти: 01.12.2021).

2. Буранов Г.К., Валеева Л.Р. Функционирование специальных правил назначения наказания // Наука и современность, 2011. Вып. № 12-3. –С. 262.

3. Кириллова Н.П. Назначение наказания в случае заключения досудебного соглашения о сотрудничестве и в случае его нарушения // Известия вузов. Правоведение, 2009. – № 6. – С. 203.

4. Мингалимова М.Ф. Назначение наказания с учетом смягчающих обстоятельств: Диссертации доктора юридических наук. – Москва, 2019.
5. Очилов Х.Р., Хайдаров Ш.Д., Шамсиддинов З.З. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. – Тошкент, 2021.
6. Рустамбаев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисми. – Тошкент: Илм-зиё, 2005. – 345 б.
7. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Умумий қисм / М.Рустамбоев. – Тошкент: Адолат, 2016. – 432 б.
8. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан). Умумий қисм. – Тошкент: Adliya, 2016. – 432 б.
9. Салихов З.М. Индивидуализация наказания при его назначении судом по российскому уголовному праву: диссертации кандидата юридических наук. – Казань, 2002. – 185 с.
10. Татарников В.Г. Наказание и его назначение: учеб. пособие. – Иркутск, 2003.
11. Усманилиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисми. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 370 б.
12. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқида жазо тайинлашнинг умумий асослари. – Тошкент: Адолат, 2007.
13. Уголовное право России. Общая часть / под ред. В.Н. Кудрявцева, В.В. Лунеева, А.В. Наумова. – Москва, 2004. – 409 с.
14. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть / под ред. Л.В. Иногамовой-Хегай, А.И. Рарога, А.И. Чучаева. – Москва, 2005. – 407 с.
15. Якубов А., Кабулов Р. ва бошқалар. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. – Тошкент: ИИВ академияси. 2005. – 330 б.

16. Qunduz Yuldashevna Rozimova. (2023). THEORETICAL AND PRACTICAL ASPECTS OF SENTENCING FOR CRIMES IN WHICH THE GUILTY IS TRULY REMORSEFUL AND A PLEA AGREEMENT HAS BEEN CONCLUDED. *The American Journal of Political Science Law and Criminology*, 5(06), 27–34. <https://doi.org/10.37547/tajpslc/Volume05Issue06-06>